

ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН
ҲОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА

2022 йил "14" Январь

№ 299 - сонли

Гурлан туман

«Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК (бундан кейин "Таъминотчи" деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш.Бобожанов бир томондан, Гурлан туман халқ таълими бўлими (бундан кейин "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М.Маримов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 Шартноманинг йиллик умумий қиймати шартномага илова қилинган йиллик ҳисоб варағига асосан, Шундан: **353492244 (Уч юз элик уч миллион тўрт юз тўқсон икки минг икки юз қирқ тўрт сўм)**, бюджет ҳисобидан **353492244 (Уч юз элик уч миллион тўрт юз тўқсон икки минг икки юз қирқ тўрт сўм)**, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобдан **0 сўм**.

1.3. Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 6313-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га мувофиқ амал оширадилар.

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1 "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га 2022 йил 14 январь кунидан 2022 йил 31 декабрь кунигача бўлган даврда ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат энг қатта иссиқлик юқламаси билан иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, буца:

- а) технологик эҳтиёжлар учун ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал, (механизмлар ва ишчи-хизматчилар хизматисиз)
- б) иссиқ сув таъминоти учун ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат; (улчачиқ жихоз урнатилган булса, курсаткичга асосан)
- в) хоналарни иситишга ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат, ташқи мухит ҳарорати +0,8 град.С бўлганда, (КМК 2.01.01-94 асосан)
- г) шамоллатишга ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат, ташқи мухит ҳарорати +0,8 град.С бўлганда, (КМК 2.01.01-94 асосан)

2.2. "Истеъмолчи"га иситиш ва шамоллатиш учун "Таъминотчи" томонидан бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи мухитнинг ҳароратига қараб белгиланади, ишлаб чиқариш ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун эса "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилган ва "Таъминотчи" билан келишилган буюртманоманинг бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланади ва йил чорақлари бўйича бўлиниши 6-иловада кўрсатилган:

2.3. "Таъминотчи" иситиш мавсумида узатиладиган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳароратини иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида илова қилинаётган ҳарорат жадвалига мувофиқ бўлишини ҳамда ҳарорат жадвалидан (+) 3 фойз, узатувчи қувурдаги сувнинг босими жадвалда кўрсатилганидан (-) 5 фойз четга чиқишига йўл қўймаслигини таъминлайди. Ёлги мавсумда эса узатиладиган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳарорати жадвалга кўрсатилганидан (+) 3 фойздан, узатувчи қувурдаги сувнинг босими (-) 5 фойз четга чиқишига йўл қўймаслигини таъминлайди.

2.4. "Истеъмолчи" қуйдагиларга риоя этади:

- а) тармоқ суви сарфининг ҳисоблаб чиқилган миқдори 3-иловада кўрсатилгандан ошмаслиги;
- б) иссиқлик тармоғидан олинладиган сувнинг энг қатта миқдори методик қулланмага асосан «Истеъмолчи»нинг иссиқ сув таъминотидан фойдаланувчи нуқталарни иссиқ сув утказиш меъъри, иссиқ сувдан фойдаланувчи нуқталарнинг сони ва ҳақозалар тўғрисида тузилган икки томонлама далолотномага асосан. (Ёниқ тизимда ишлайдиган қозонхонанинг иссиқлик тармоғидан иссиқ сув олиб фойдаланиш қатъий ман қилинади. Агар аниқланса, «Истеъмолчи» иссиқ сув таъминоти учун ҳисоб-китоб қилинади.)
- в) тармоқдан сизиб чиқадиган (йўқотилладиган) сувнинг меъъри «Иссиқлик энергиясининг ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилги, эл/энергияси ва сув сарфлари меърларини, ҳамда иссиқлик юқламаларини, иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишларни аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш методикаси»нинг 42-пунктига асосан етказиб берилган иссиқ сувнинг 0,0025 м³ дан қўп бўлмаслиги;
- г) қайтиш тармоғидаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати жадвалдаги миқдорга нисбатан 3⁰Сдан юқори бўлмаслиги. Тармоқдан олинладиган сувнинг энг қатта миқдори "Таъминотчи" томонидан роллагич (регулятор) ёки сурилма қопқоқ ёрдамида белгиланади. (Элеватордаги торайтирувчи қурилмаларни алмаштириш "Таъминотчи" билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Элеватор қурилмалари хар йили «Таъминотчи» томонидан юборилган йуриқномага асосан қуриқдан утказилиши ва йуриқнома талабларига тулик жавоб бериши шарт.)

2.5. "Истеъмолчи"нинг қайтиш магистраль тармоғидаги сув босими, маҳаллий тизимни тўлиқ тўлдирилишини таъминлаши лозим, акс ҳолда "Истеъмолчи" иссиқлик қирувчи қувурда роллагич (регулятор) ўрнатади.

III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. "Истеъмолчи"га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг миқдори қириш қисмида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. (Агарда «Истеъмолчи»нинг иссиқлик энергия ёки иссиқ сув таъминотига ҳисобга олиш прибори урнатилган булса, бу ҳақида икки томонлама тузилган далолотнома ушбу шартномага илова қилинади. «Истеъмолчи» объектларида иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари урнатилмаган булса, «Иссиқлик энергияси ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилги, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меърларини ҳамда иссиқлик юқламаларини, иситиш қозонхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфини, шунингдек иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш методикаси»га биноан ҳисобланган биноларини иситишга керакли булган иссиқлик миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилинади.)

3.3. "Таъминотчи"нинг объектларида ўрнатилладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида "Таъминотчи"нинг хизмат кўрсатишига утказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.4. "Таъминотчи" томонидан хизмат кўрсатилладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташдан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатта тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташдан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан қўп бўлган муддатта тўхтатилганда эса ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юқлама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.



“Истеъмолчи” ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир, бу ҳолда “Таъминотчи” беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва суя сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари “Истеъмолчи” томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

“Истеъмолчи” тармоғини унинг буюртмаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага кириди;

“Истеъмолчи”дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоричмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

3.7. “Таъминотчи”нинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари баланси бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланси бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари “Истеъмолчи”нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.10. “Истеъмолчи” ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 25 санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни “Таъминотчи”га тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, “Таъминотчи” ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, соҳа ҳолатидаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олинди, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб, кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинади. Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблагичларнинг кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

“Таъминотчи” истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни ўрнатилган шакл (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат қўмитасида руйхатга олинган йуриқнома шловасига асосан) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб “Истеъмолчи”га топширади.

Шу билан бир вақтда “Таъминотчи” ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали “Истеъмолчи”нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олиниши учун ҳисобот ойнага ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг 30 % (ун беш) фоиз миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. “Истеъмолчи” томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда “Истеъмолчи” бир ҳафта муддатда бу ҳақда “Таъминотчи”га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши “Истеъмолчи”ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Узатилган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 Гкал учун Вилоят молия бошқармаси томонидан тасдиқланган деларацияда тасдиқланган тариф бўйича тўлайди.

3.13. Тўлик етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти “Таъминотчи” диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

“Таъминотчи”нинг айби билан “Истеъмолчи”нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган сўтқадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган сўтқада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда “Таъминотчи” охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, “Истеъмолчи”нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. “Истеъмолчи”ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган иссиқ сув ҳарорат жадвалидан паст булган тақдирда, иссиқ сув учун тариф бўйича 0,2 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойдан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш “Истеъмолчи”нинг буюртмасига кўра “Таъминотчи” томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:



- а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;
б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик;

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича - 5 фоиздан ортиқ (+);

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл

қўймаслик. Буида параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

- в) “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш” қондалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

- г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари “Таъминотчи”нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш. Ушбу ҳолда “Таъминотчи” қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Истеъмолчи” олдидан жавоб беради.

4.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

- а) “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қондалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондалари”га ҳамда “Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш қондалари”га қатъий риоя қилиш;

- б) иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тузилган шартномада 2.2 бандида курсатилган исгеъмол жадвалига асосан буюртмани тулик қабул қилишни, иссиқлик энергия учун шартномада белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш;

- в) “Таъминотчи” билан келишмасдан иссиқлик энергиясини бир соатлик юктамаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олинishi миқдорини оширмаслик;

- г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан “Таъминотчи”нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

- д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

- е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини “Таъминотчи” билан келишиш;

- з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жумраклар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани “Таъминотчи”нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш. Пломбаларни олиш “Таъминотчи”нинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим;

- и) “Таъминотчи”нинг вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўскинликсиз қўздан кечиришини таъминлаш;

- к) иссиқлик энергиясидан ноқиллона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймаслик;

- л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилишига, материаллар таҳланishiга, дарахтлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

- м) “Таъминотчи” билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларни қайта жиҳозлашга йўл қўймаслик;

- н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинishiга йўл қўймаслик;

- о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланилишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оксидилишига) йўл қўймаслик;

- п) “Истеъмолчи” “Таъминотчи”нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдидан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун “Таъминотчи”нинг вакилларини ўз ҳудудига киритиши лозим;

- р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро қизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

- с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик қўрган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

- т) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг метрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш.

4.3. “Таъминотчи”нинг ҳуқуқлари.

- 4.3.1. “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда “Истеъмолчи”ни огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

- а) иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдидан тўлов амалга оширилмаганда;

- б) субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

- в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари “Ўздавонергоназорат” ДИ руҳсатисиз ишга туширилганда;

- г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

- д) иссиқлик юктамаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори “Таъминотчи”нинг розилигисиз оширилганда;

- е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

- ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

- з) “Таъминотчи” вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

- 4.3.2. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги “Истеъмолчи”ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса “Таъминотчи” “Истеъмолчи”ни узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. “Истеъмолчи”ни иссиқлик энергияси етказиб беришини тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда “Истеъмолчи” иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса, “Таъминотчи” ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйилган камидан 24 соат олдин “Истеъмолчи”ни огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

- 4.3.3. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш учун “Таъминотчи”, узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, “Истеъмолчи”га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

4.4. "Таъминотчи" қуйидагиларга мажбур:

- а) шартномага мувофиқ "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;
- б) "Истеъмолчи"да "Таъминотчи"нинг объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўғрилиги бўйича шубҳа туғиладиган бўлса, "Таъминотчи", белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида "Истеъмолчи" вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришини таъминлаш лозим;
- в) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - 3 фойздан ортиқ (\pm);

сув босими бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда - 5 фойздан ортиқ (\pm);

орқага қайтадиган қувурда - 20 кПа дан ортиқ (\pm) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик

микдор сифатида ҳисобга олинади;

г) "Таъминотчи"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеъмолчи"нинг вакили иштирокида "Таъминотчи" томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобида мувофиқ "Истеъмолчи"нинг иссиқлик боғламалари учун торайтирувчи қурилмаларнинг ўлчами (размер сужающего устройства) белгилаб берилди.

V. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонуналарга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қарантирлайди.

5.2. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартариф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатнинг пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

VI. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Иссиқлик энергияси билан таъминлашда "Таъминотчи"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Таъминотчи" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилган моддий зарарни қоплайди.

Агарда «Истеъмолчи» шартномани 4.2 бўлими «б» бандини тўлиқ бажармаса, (шартномани олдиндан бекор қилиш, буюртма қилинган иссиқлик энергия таъминотини қамайтириш ёки 1 (бир) ойдан кўп вақт мобайнида шартномадаги буюртмадан фойдаланишдан воз кечса ва ҳаказолар) «Таъминотчи»га шу давр мобайнида буюртма қилинган иссиқлик энергия ва иссиқ сув таъминотининг 10 % (ун) фойз зарарини қоплайди.

6.2. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фойзи микдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фойздан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3. Агар етказиб берилган иссиқ сувнинг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонуни ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, («Таъминотчи» ва "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда носозлик ҳолати келиб чиқишини аниқлаш ишлари бажарилиб икки томонлама далолатнома тузилганда) иссиқ сувни истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Таъминотчи"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув қийматининг микдорида жарима ундириб олишга ҳақлидир. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги икки томонлама далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фойзи микдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фойздан ортиқ бўлмаган микдоридан пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи"ни турли қўришдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

6.6. Иссиқлик истеъмолчи объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублигини бўлиниш ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади. (1-илова).

6.7. "Таъминотчи" иситиш тизими ёқилганида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, ҳиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

6.8. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан улашиш ёхуд улардан фойдаланиш қондаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча микдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) "Таъминотчи" ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдирак, бўрон, сув тошқини, zilzila, ёнгин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°Cга ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошлангич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;
б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (zilzila, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатларда;

7.2. "Таъминотчи" тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

7.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга кириди ва 13 январ 2022 йилдан, 31 декабр 2022_гача амал қилади. Агарда томонлардан биридан ёзма равишда шартномани бекор қилиш ҳақида ариза тушмаса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхала тузилади, улардан биттаси "Таъминотчи"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи"да сақланади.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Тарафлар ўрталарида юзага келган низолар Урганч туманлараро иқтисодий судида ёки "XORAZM MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI" жамияти ҳузуридаги ҳакамлик суди томонидан унинг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси қонучилигига биноан кўриб чиқилади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи; ҳакамлик суди томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси 1 нафар ҳакамлик судьяси томонидан амалга оширилади.

X. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

10.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) "Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2- илова);


в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юктамалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) "Истеъмолчи" ташки иссиқлик таъминотининг принципаал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўриштирилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали.

е) "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи" билан келишилган буюртманоманинг бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланган ва йил чораклари бўйича бўлиниши курсаткичлари (6-илова):

X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"ТАЪМИНОТЧИ"	"ИСТЕЪМОЛЧИ"
«Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК	Гурлан туман халқ таълими бўлими (Истеъмолчи корхона номи)
Почта манзили: 220100 Хоразм вилояти	Почта манзили: Гурлан тумани П.Махмуд кўча 70а-уй
Урганч шаҳри А.Темур кучаси 163 уй.	Тел, факс: 62-36-51-338, 62-36-53-392
Ҳисоб рақами: 20210000300313443001	Шхр: 100022860332087092100075093
АТИБ «Ипотека» Урганч шаҳар филиали	ИНН: 201137692
Банк коди (МФО) 00579	ИФУТ: 84112
СТИР(ИНН) 200408925	Банк номи: Марказий банк Тошкент ш ХККМ
Электрон манзил: Xorazmissiqlikmanbai@mail.ru	Банк коди (МФО): 00014
	Молия вазирлиги фазначилиги
	Фазначилик х/р: 23402000300100001010
	Фазначилик ИННси: 201122919
	Изоҳ: Томонлар, ушбу бандда кўрсатилган (корхонанинг номи, манзили, ҳисоб рақами ва ҳоказо) маълумотларга ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантиришга мажбурдирлар.
Имзо  Ш.Бобожанов	Имзо  М.Маримов
Мухр ўрни 	Мухр ўрни 

Хукукшунос хулосаси: Мен «Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК хукукшуноси Гурлан туман халқ таълими бўлими тарафлар уртасида 2022 йил 14 январь №299-сонли умумий суммаси 353492244 (Уч юз элик уч миллион тўрт юз тўқсон икки миң икки юз қирк тўрт сўм сумлик маҳсулот етказиб бериш тугрисидаги шартнома хукукий экспертизасини «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида» ги қонуннинг 20-21 моддаларига асосан утказдим.

Хукукий экспертиза қилишда «Фукоралик кодекси» ва амалдаги меъёри ҳужжатларда қуратилган талабларга асосландим.

Шартнома «Фукоралик кодекси» ва меъёрий хукукий ҳужжатлар талабларига тулик жавоб беради. Ушбу шартномани томонлар тузишлари мумкин.

Салаев Н. Нурманов

(имзо)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувада етказиб бериш шартномасига 1 - илова

“Истеъмолчи” ва “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиниш чегарасини белгилаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

2022 йил 14 январь

299 - сон

Гурлан туман

Биз, қуйида имзо чекувчилар “Таъминотчи” вакили Х.Салаев ва “Истеъмолчи” вакили Н.Нурманов мазкур далолатномани шу ҳақда туздики, “Истеъмолчи” объектларидаги бино ва иншоотларга етказиб берувчи иссиқлик таъминоти тизимлари хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги ёпиш арматуралари “Истеъмолчи” тасарруфиди бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

Т/р	Объектнинг манзили	Объектнинг манзил рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегараси
	Бино ва иншоотлари	Ҳисоб варақга асосан	Икки томонлама қизилган схемага асосан

Иссиқлик таъминоти тизимларига иссиқлик ташувчи йўналишида схемада қуратилган чегарагача.

“Таъминотчи” томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса “Истеъмолчи” томонидан хизмат кўрсатилади ва таъмирланади.

“Таъминотчи”нинг ходими

“Истеъмолчи”нинг ходими



Х.Салаев
(Ф.И.Ш.)

Н.Нурманов
(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда
етказиб бериш шартномасига 2-илова

“Истеъмолчи”нинг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисидаги

И Ш О Н Ч Н О М А

2022 йил “ 14 ” Январь

299 - сон

Гурлан туман

“Истеъмолчи” Гурлан туман халқ таълими бўлими ўзининг 2018 йил “05” Январдаги 4 - сонли буйруғи билан “Таъминотчи” билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тўхтатиш билан боғлиқ бўлган турли хилдаги масалаларни келишиш учун ваколатланган масъул шахс этиб Нурманов Неъмат ни тайинлайди.

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони:
+998999699455, Гурлан тумани

Истеъмолчи”нинг раҳбари



М.Маримов
(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда
етказиб бериш шартномасига 3- илова

“Истеъмолчи” объектлари ва истеъмол юкламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисида

М А Ё Л У М О Т Н О М А

2022 йил “ 14 ” Январь

299-сон

Гурлан туман

“Истеъмолчи”_Гурлан туман халқ таълими бўлими _
(корхонанинг тўлиқ номи)

т/р	Объектнинг номи ва асосий мақсади	Объект-нинг манзил рақами	Объект-нинг иссиқлик киритгичининг рақами	Юклама, Гкал/соат				Иш соатлар сони			
				Х/к иситиш	х/к шамоллат.	Иссиқ сув таъминоти .	Технологик	Шамолла-тиш Иши	ИСТ	Технология	Ташкил хажм кв.м
	А) истеъмолчи			Хисоб варакада курсатилган курсатикичларга асосан							
	Б) субистеъмолчи			Буюртманомга асосан «Истеъмолчи»га уланган субистеъмолчи йук							

Объектлар сони: Хисоб варакада барча курсатилган объектлар.

“Истеъмолчи”нинг иссиқлик юкламалари объектнинг қуриш лойihalасига мос

“Истеъмолчи”нинг бўлим бошлиғи

“Таъминотчи”нинг ходими

“Истеъмолчи”нинг ходими



М.Матқурбанов
(Ф.И.Ш.)

Р.Атажанов
(Ф.И.Ш.)

Н.Нурманов
(Ф.И.Ш.)

Изох: “Истеъмолчи”нинг битта объектида бир неча иссиқлик киритгичи бўлса, уларнинг рўйхати алоҳида-алоҳида, объект бўйича юкламаларнинг якуний натижалари билан берилди.

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда етказиб бериш шартномасига 4-Илова

